



Бундан бир неча йиллар аввал Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари мархум шоир Аъзам Ўқтамнинг «Тараддуд» номли шеърий тўпламидаги баъзи шеърлари хакида ўз фикрларини билдирган эдилар. Куйида эътиборингизга мазкур макола матнини ва унга кейинрок ёзилган иловани такдим этамиз.

Инсон табиатида кизик бир холат бор. Баъзи бир фикрларни узок муддат инсон ўзида тўплаб, ўйлаб, пишитиб юради. Лекин нимагадир ўша фикрларни юзага чикариб айтиш, кўпчилик билан бахам кўриш ўрнига кўйилмай келади. Баъзи бир ходисалар туртки бўлган пайтда ана шу тўпланиб турган фикрларни, йигилиб колган ўй ва мулохазаларни кўпчиликка айтиш, ёру биродар, маҳбуб инсонлар билан ўртоклашиш истаги тугилиб колади.

Камина ходимингизни хам кўпдан буён юртимида шеър ва шоирлар, умуман шеърхонлик тўгрисида баъзи бир фикрлар тўпланиб юрар эди. Нимагадир ана шу фикрларни юзага чикариш, кўпчилик билан бахам кўриш анчадан бери оркага суреб келинар эди. Ана шу тўпланиб колган фикрларни юзага чикариш рагбати муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўқтамни «Тараддуд» деб номланган китобини ўқигандан кейин юзага келди. Бу китоб ва ундаги шеърлар тўгрисидаги камтарона мулохазаларни айтишдан олдин юртимидағи шеър, шеърият, шоирлар тарихига кискача бир назар ташлаб ўтишни мувофик кўрдик.

Хаммага маълумки, бизнинг юртими Мовароуннахр - Туркистон бутун дунё шеъриятида ўзига хос ўрин тутган буюк шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халклари шеърият хазинасига ўзининг олтин сахифаларини, олтин байтларини бошини баланд кўтарган холда такдим этган бир юртдир. Албатта ана шу мактовга сазовор шеърият, шеърий асарлар, шоирлар, уларнинг фаолияти, савияси, хамма-хаммаси шу диёрнинг кадимдан мукаддас дини бўлиб келаётган Ислом дини билан чамбарчас боғлик эканлиги хам хеч кимга сир эмас. Улуг шоирларимизнинг пур хикмат байтлари, Куръони Карим оятлари Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайхи васалламнинг хадислари, мусулмон уламолардан чиккан хикматларга йўғрилган эканлиги хам хаммамизга очик ойдин равшан. Ўйлаб карайдиган бўлсак, шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоийдан бошлаб мавлоно Лутфий ёки бошка улуг шоирларимизнинг номларини айтиш ўтишнинг ўзи хам жуда кўп вакт олади. Уларнинг хаммалари диний илмлардан етарли маълумотга эга бўлган ва кўплари тасаввуф тарикатларидан бирини маҳкам тутган, хатто баъзилари тарикатларга шайх бўлган улуг инсонлар эдилар. Шунингдек шоираларимиз, ўтган буюк заковат эгаси бўлган момоларимиз хам ана шундок диний маълумотдан, Исломий маърифатдан ва шариат таълимотларидан нихоятда ажойиб бир услугуб билан

фойдаланиб шеър ёзганларидан, уларнинг шеърлари пурхикмат ва доимо ичидаги сабит бир ўринни тутиб келадиган даражада чиккан. Мазкур шоирларимизнинг шеърлари йиллар ўтиб, асрлар ўтиб тилма-тил кишиларнинг, халкимизнинг калбида, ёдида китобларида келиши хам асосан ана шу боисдан, шариатга бодлик эканлигидан, хикматга бой эканлигидан ва халкчил эканлигидандир. Яна бир хакикатким, шундай инсонпарвар, маърифатпарвар ва олий инсоний кадриятларни мадх этган ва ўз ўринларини ажойиб бир шаклда тутган шоирларимиз билан бирга, манфаат шоирлари, баъзи шахсларнинг маддохлари хам бўлган. Лекин ўша шоирлар хам, уларнинг шеърлари хам тезда унутилган. Чунки улар халк учун эмас, хак учун эмас, хакикат учун эмас, бошка нарса учун шеър айтган эдилар. Юртимизда шараф билан ўтган шоирларнинг хикмат тўла шеърлари доимо кадрланиб келган. Улар ўз ўз шеърларининг хикматга бой бўлишига Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи вассалламнинг «Инна минаш шеъри лаҳикматан», хадисини шиор килиб олганлар. Яъни, албатта, шеърда хикмат бордир деган маънодаги хадисларини. Лекин вакт ўтиши билан, халк диндан, Исломдан узоклашиши, бидъат-хурофот боткогига ботиши оқибатида аста-секин шеърият савияси хам пасайиб, айникса диний илмлар, шариат ва Куръон таълимотларига яқинлашишлари озайиб, кискариб, сусайиб борган. Нихоят коммунистик даврга келгандаги шоирлар, ёзувчилар тузум мағкурасига эргашган холда ўзларининг хозирги вакилларини бирининг тили билан айтганимизда, диндан, диёнатдан биринчи чиккан тоифа бўлдилар. Улар ана шу янги тузум, коммунистик тузумнинг югурдакларига, хизматкорларига айландилар. Уларнинг барчалари мазкур тузумнинг, коммунистик партиянинг хормас, чарчамас маддохларига айландилар. Уларнинг ўша пайтдаги холатлари Куръони Каримнинг “Шуаро” сурасида келтирилган ва шоирларни васф килган оятларга гоят тўгри келадиган бўлди. Аллоҳ субханаҳу ва таоло “Шуаро” сурасида шундок деган эди: «Ва шоирларга гумроҳларгина эргашур. Уларни хар водийда дайди- ишларини ва ўзлари килмайдиган ишларни айтишларини кўрмадингми?» Хакикатдан, коммунистик партиянинг содик хизматкорлари бўлган шоирлар хар хил водийларда, компартия кўрсатган водийларда дайдидиган ва ўзлари айтган, яъни килмайдиган гапларини айтадиган холга ўтдилар. Бу хакикатни 1985 йилда бошланган, кайта куриш, ошкоралик ва демократия пайтида хаммалари бир оғиздан, муҳтарам шоирларимизнинг ўзлари хам тан олдилар. Улардан кўзга кўринган бирларини айтишича, у киши улуг ёшдаги шоирлардан бирини зиёратига бориб фалончи ака бу кандок бўлди? Шунча ёзганларимизни бир галвирга солиб кўрсам, галвирда турдигани йук-ку, дебди. Шунда улуг ёшдаги шоир, ха сен хали ёшсан, бундан буёкка хам ишни тўгиrlаб юборишинг мумкин. Лекин биз кариб колдик. Биз нима киламиз?! Мен шахсий кутубхонамда юраётганимда ўзимнинг китобларим тўгрисига келганда кўзимни юмиб ўтаман деган эканлар. Бу аччик хакикат эди. Лекин уларга ташаккурлар бўлсинким, шу аччик хакикатни тан олишлари, бир-бирларига айтишларига кудратлари етди. Ана шу вактдан бошлаб шоирларимизда ўтган бесамар даврларнинг ўрнига хам яхширок бир шеърлар ёзиш, Хакка, халкка, хакикатга хизмат килиш, хикматли нарсаларни тақдим килиш истаги тугилди, десак муболага килмаган бўламиз. Кўплари Исломий мавзуларда хам баъзи бир шеърлар айтиб, калам тебратишга уриниб кўрдилар. Бу уринишларнинг кўплари маълум бир хадиси шарифларни, оятларнинг маъносини шеърий йўл билан вазнгга солиш, баъзи бир Исломий хикматларни ва фикр-мулоҳазаларни шеърга солиш каби ишлар билан бўлди. Албатта, вакт ўтган пайтдан калам соҳиблари бўлмиш муҳтарам шоирларимиз дину диёнатимиздан узоклашган, Куръону хадисдан мутлако йирокда

бўлганликлари туфайли кўпгина хатоларга хам йўл кўйдилар. Ёзган нарсалари саёз, баъзи бир енгилрок нарсалар чиккан десак хам хато килмаган бўламиз. Албатта, буларни ичида яхши, салмокли, хамманинг тахсинига сазовор бўлган шеърлар хам бор эди. Лекин булар оз эди. Ўтган баъзи бир сухбатларимизда ана шу шеърларда содир бўлган баъзи бир хатолар, янгилишишлар тўгрисида сухбатлар хам килган эдик. Жумладан, «Сулаймоннома» касидаси тўгрисида батафсилрок гаплашиб ўтган эдик. Мана энди Аъзам Ўктам жанобларининг «Тараддууд» китобларини ўкиганда камина ходимингизда мутлок бошка бир фикр пайдо бўлди. Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърият мана шу даражага чикса эди деган хохиш, истакни айнан «Тараддууд» китобида кўрдим. Аввало тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иктидори бор шоир, хам ватандошни танимаслик албатта биз учун обру хам бўлмас. Менга бу китоб кимдир тарафидан хадя тарикасида бир неча китоблар орасида юборилибди. Баъзи бир китобларни олиб биринчи сахифасини ўкигандан сўнг, иккинчисини очишга инсон ўйланиб колади. Лекин «Тараддууд» китобининг биринчи сахифасидаги шеърни ўкиб бўлган инсон эса сергакланиши, тезрок иккинчи сахифани очишга уриниши, менимча, турган бир гапдир. Шунинг учун «Тараддууд» китобидаги келган шеърлар тўгрисида айтиладиган камтарона мулохазалар шоир шахсини мутлако танимаган инсоннинг мулохазалари бўлади. Албатта, камина ходимингизда шоирлик йўк. Адабий танқидчилик малакаси йўк. Шеърларга баҳо бериш даъвоси хам йўк. Лекин келгувси гаплар оддий бир шеърхоннинг фикр-мулохазалари ва сизлар билан ўртоклашиш учун айтиладиган фикрлар бўлади десам хато килмаган бўламан. «Тараддууд» китобидаги шеърлар бошка шеърлардан фарқли ўларок баъзи бир оятларнинг, хадисларнинг ёки Исломий хикматларни таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг хаёт жараёнида коришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулохазалари ва халки учун, дини учун куюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшashi акс эттирилганлиги билан ажралиб туради. Ана шу нарсаларни «Тараддууд» китобини сахифалаб шеърларни ўкиганимизда яккол кўрамиз. Бу шеърларда мусулмон инсон, динини худди чўгни тутгандек тутиб, диндан ажраб колган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг кийналишлари, ўртанишлари ва халки учун куюниши ўз ифодасини топгандир. Яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, «Тараддууд» шеърий тўплами жиддий куюниб ёзилган шеърлар тўплами десак хато килмаймиз.

Бу ерда енгил-елпи, куйдим ёндим шеърлар йўк десак хато килмаган бўламиз. Аввал айтиб ўтганимиздек, биринчи шеър хакикатдан диккат эътиборни тортадиган бир шеър эди. У шеър «Ўтинч» деб номланади.

Сўзим, жон баҳш сўзим,
ёрдин Менга ширин хикоят кил.
Кўзим, йигла, бу ёрсизлик,
Бу хижрондин шикоят кил.
Кўлим, ёпгил кулокларни,

Эшитма хеч маломатни.
Юрак, очгил у дафтарни,
Яна бошдин ривоят кил.
Оёгим, юр кетайлик бу
Зулмкорларнинг ёнидин.
Етиб боргач синиб битгил,
Бугун аммо химоят кил.
Кўнгил, сендин ризодирман,
Биру Бор ул, десанг басдир.
Сенга измимни берганман,
Жўшиб, майли, жиноят кил.
Тилим, кўркинчларим сендан,
Хатарли сенга эрк бермок.
Ўтинчим: ўзидин доим
Сен умиди хидоят кил.

1991-милодий санада ёзилган бу шеърда шоир ўзининг барча аъзолари га хитоб килиб, улардан тўгри йўлда бўлишини талаб килади. Кўнгилдан Аллох таолони Биру бор дейишилигини сўраб, ўтинчи факат хидоят умиди: Аллохнинг йўлига хидоят, шариатнинг йўлига хидоят эканлигини каттик таъкидлайди. Албатта, бундок маънолар уларни тушуниб етган инсонларни хаяжонга солиши, уларни ажойиб бир жўшкин холатга келтириши турган бир гапдир.

* * * * *

Хаммамизга маълумки, коммунистик мафкура шоирлари ўша тузумга тобе ва хизматкор бўлган тоифалар катори ер юзидағи Аллохнинг яратган нарсаларини, табиатнинг усталиги, табиатнинг моҳирлиги каби иборалар билан сифатлашар эди. Табиат оғатлари, баъзи бир бўладиган ходисаларни эса табиат инжикликлари деб таърифлашар ва ўзларича табиатни жиловлашга, ўз иродалари олдида уни тиз чўқтиришни даъво килишарди. Уларнинг айтадиган шеърларида хам, ёзадиган асарларида хам мана шу нарсани яккол кўриш, билиш, сезиш мумкин эди. Аммо Аъзам Ўктамнинг шеърларида Исломий фалсафа худди шу мавзуга келганда яна барк уради. Атрофимизни ўраб турган барча махлукотлар, нарсалар буюк яратувчи Холик - Аллох таолонинг махлукотлари ва ўша Зотнинг Биру Борлигига, Холику Мудаббирлигига далиллар эканлигини олга суради. Шоир ўша нарсаларнинг хаммаси хам Аллохга ибодат килишини ажойиб бир услублар билан тасвирлайди. Албатта, бу Исломий фалсафа. Куръон оятларининг маъноси. Пайгамбаримиз алайхиссолату вассалом хадисларининг маъноси. Буни ўзбек шоирларидан бири бўлмиш Аъзам Ўктам байтга соглан. Мана шу шеърлардан бири «Тараддуд» китобида келган «Мўъжиза» шеъридир. Бу шеърда шоир

осмонда пайдо бўлган камалакни, уни ажойиботларини кўриб Аллохнинг кудратига тан берганини ва инсон мен буюкман деб гууррга кетмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Етти кават осмон остида турдим,
Жигарим деб етти ога иинини.
Роса етти кунлик йўл юриб курдим,
Соҳир камалакнинг етти рангини.
Кўлим хайрат ила ёкамни тутди,
Эслаб саждага бош кўйган бобомни.
Айт, эй кўнгил:
Ким буни тагига етди?
Ташла «Мен – буюкман!» - деган даъвонгни.

Мана бу хакикий инсоннинг, Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг кудратига тан берган инсоннинг эътирофи ва ажойиб бир усулда айтган гапи. «Ибодат» деб номланган шеърда эса куйидагилар айтилади:

Тоглар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,
Такбир айтган чоги гулдираб само.
У янглиг муножат кила олур ким,
Ёмгир - бу - пи chirlab килинган дуо.
Ел йиглар ер тирнаб, тупрок сесканар,
Майсалар калтираб килурлар сажда.
Дуолар ижобат бўлган саналар,
Кун нурлари бутун келтирас мурда.

Мана бу шеърда бутун мавжудот, еру осмондаги нарсалар Аллоҳга сажда килиши, Аллоҳни улуглаши, Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг бир маҳлукотлари бўлганлигини ажойиб бир услуб билан тавсиф килинади. Шу фалсафа, мана шундай рухда айтилган шеърлар албатта Исломий рухга тўгри келади. Мусулмонлик ақийдасига тўгри келади. Ва албатта ўкувчиларда ажойиб бир хис колдиради. Ўзининг бандалик масъулиятини сезишга ва табиатга Аллохнинг улуг кудратини намуналари сифатида хурмат билан карашга, эҳтиром билан карашга, уни тиз чўктириш, жиловлаш эмас, балки улардан унумли, яхши йўлда фойдаланишга ўтишга даъват бўлади. Бу айникса хозирги кунимизда керакли бир фикр бўлиб, бундок маънони хар бир тоифа, хар бир инсон яхши ўзлаштириб олиши керак бўлган замонда яшаб турибмиз. Бу шеърлар кимнидир ўзига каратиш учун айтилган эмас. Ёки кескин гапларни гаприб ўзини кўрсатиш учун эмас.

Балки бутун вужудга сингган, юракнинг тўридан самимият билан чиккан бир хазин охангдир. Аъзам Ўктамнинг шеърларини ўкир эканмиз Исломий ибодатларга, намоз, рўза каби Аллохнинг бандаларига, мўмин-мусулмонларга амр этган фарз ибодатларига алоҳида эътибор, уларни бажаришга мўмин-мусулмон инсон канчалик тайёр туриши ва ундан роҳатланиши лозим эканлигига ишоралар, ажойиб бир турткى бўлган сатрлар, мисралар келади. Бу албатта жуда яхши бир холат. Шеърият услуби билан инсонларни эзгуликка даъват килиш, ўзининг бандалик бурчини англашга даъват килиш услуби хисобланади. Бу нарсани шоир жуда усталик билан ифода этган.

«Неъмат» шеърини оладиган бўлсак. Гап Рамазони шариф хакида кетади. Рўза тутиш хакида кетади. Рамазон рўзаси хакидаги шеърга «Неъмат» деб ном кўйиш шоирнинг гоят усталигини, хассос эканлигининг ифодасидир. Чунки Аллоҳ бандаларига буюрган ибодат хакикатдан неъматдир.

Рамазон – машаккат, синовлар ойи,
Ўттиз коронгу кун, ўттиз ёруг тун
Тонглар насиб этди тоза хавою
Булбулнинг овозин сахарлик учун.
Аччик сўз чикмайдур - ёпикдир оғзим,
Бирровга кадалиб тикилмок тамом.
Кўнгил тўқ, рух енгил.
Хушбаҳтман ўзим -
Гул исин ифторлик учун берди шом.

Каранг-а, сахардан шомгача бўлиб ўтадиган нарсаларни, сахарнинг тоза хавосини, сахарликка турган инсонни кушларнинг, булбулларнинг овозини эшитишини ва шомда келгандаги гулнинг иссини хаммасини Рамазонга боғлаб Аллохнинг бир неъмати эканлиги, Рамазонда ўзига хос алоҳида бир фусункорлик кашф этилишини шоир усталик билан баён этган. Бошка бир шеър «Кутлов» деб аталади. Бу шеър жуда киска бўлса хам намозни улуг бир ибодат эканлигини таърифлайди.

Не бўлгай яшашни сал осон килсанг,
Кил сигмаган кўнглинг
Шуълага тўлсин.
Хар намоз орасин Рамазон билсанг,
Бир кунда беш хайит Муборак бўлсин!

Демак, беш марта намоз ўқилади. Беш намоз ўртасида бешта ора вакт бор. Хар бири Рамазон. Хар намоз вакти келганды ўша Рамазон тугаб хайит бўлган бўлади. Бу маъно хам жуда зўр бир усталик билан баён этилган. Намознинг орасидаги вакт ва намознинг хайитга тенглаштирилиши хаётни осонлаштириш учун керак бўладиган кучли бир омил эканлигини баён килиш маъносида айтилгандир. Албатта бу шоирни улкан муваффакияти. Биз бу мувофакият билан у кишини муборакбод этамиз ва ўйлаймизики, бу услуб, бундай нарсалар яна давом этиб бораверади. Маълумки, етмиш йил ва ундан кўпроқ худосизлик тузуми даврида яшаган халкимиз дину диёнатдан, одоб ахлокдан, шариатдан жуда хам узоклашиб кетган эди. Аммо кўпчилик оғзида мусулмонман, Ислом менинг диним деса хам, хакикатда Исломдан, иймондан ниҳоятда узок бир холатда эди. Шу билан бирга кайта куриш йиллари пайтида кайта-кайта такрорланганидек халкнинг Исломдан, иймондан узоклашиши унинг ўзлигини унутиш, хусусиятларини йўкотиш, бошкаларга, аникроги, мустамлакачиларга эргашиб, уларга таклид килиш холига олиб келиб кўйган эди. Бу нарса хаётнинг барча соҳаларида яккол кўзга ташланар эди. Лекин баъзи бир холатларда вактинчаликка бўлса хам элу юрт, кўпчилик ўзлигини ёдга олар, ўз дину диёнатини, урф одатини ва ўз хусусиятини озгина муддатга бўлса хам ўзида намойиш килишга ўтар эди. Мен шу холатни мухтарам шоиримиз Аъзам Ўктам ўз шеърларида ажойиб бир фалсафа билан изхор этган. Шу билан бирга у киши ўзликни йўкотишилик холатини каттик танкид килган. Шоирнинг хаёти, фикри, фалсафаси, дину диёнатини, эътикуду шариатини ва ўз хусусиятини йўкотган халк ана шу нарсаларни ўлим вактида ўзининг якин кишилари, таниш-билишлари вафот этган пайтида ёдга олиши, асл холига кайтишга харакат килиши галати бир холат эканлигини жуда усталик билан баён этади. Бу холатни биз «Изоҳ шарт эмас» номли шеърда кўрамиз.

Бугун гамгин ташлашар назар,
Хол сўрашар астагина ё -
Дўппи ёхуд чопон кийсанг гар,
Жиддий, хомуш юрсанг мабодо.
Буни хатто ўрус хам билар,
Кўниккан бу эл ахволига -
Кимдир булар, нимадир бўлар
Ўзбек кайтса асл холига!

Бирор асл холига кайтса, жиддий юрса, ўзининг асл миллий кийимларини кийса, хатто гайридинлар хам, ўрислар хам ха, бунинг бошига мусийбат тушибди, бунинг бирон кишиси ўлган шекилли ёки бунга бошка бир мусибат етганга ўхшайди, дейди. Унинг кўринишидан, ўша шахсни асл холига кайтишига харакат килишидан унга мусийбат етганини англаб олишини ана шу холатда васф этмоқда. Шоир халкнинг, кишиларнинг ўзининг асл холига кайтиши жуда зўр нарса эканлиги, жуда улуг бир нарса эканлигини таъкидлаш максадидами? Агар шу халк ўзига кайтадиган бўлса, агар ўлим халкни ўз хусусиятини эгаллашга даъват киладиган бўлса, туртқи бўладиган бўлса ўлим бўлса майли, бўлсин дейди. Буни биз «Согинч» шеъридан биламиз. Ўша шеърда куйидаги

мисралар бор:

Жанозага борсам негадир
Кўзим кувнаб бўлурман бехол.
Факат шундок ўхшайди ахир
Эр эркакка, аёлга аёл.
Бир дард ўртаб юборди дилни,
Ёзарканман титратиб кўлим:
Ўз аслига кайтарса элни,
Ўлим бўлсин хар куни, ўлим.

Хакикатдан ўйлаб кўрадиган бўлсак, ўлим пайтида кишлар ўз холига кайтишга одатланишиб колишган. Бошка вактда ўз холини, ўз динини, ўз хусусиятини, ўз урф одатини, шариатини, иймон-эътиқодини мутлако ёдга хам олмайди. Кўнглига нима тушса шуни килади. Бошка халкларнинг урф-одатига, уларнинг киликлариға таклид килиб, ўшаларга ўхшашга кўлидан келганича уринади. Эркаклар хам ўз хусусияти, ўз миллати, ўз динига хос нарсаларни килишга хеч кизикмайдилар. Балки бошкаларникига харакат киладилар. Аёллар хам жуда галати холатларга ўтадилар. Ана шу холат, ўлим пайтида ўз аслига кайтишдир. Эркаклар хам жиддийлашиб аввалги байтларда айтилганидек, ўзларининг миллий кийимини кийишиб, одоб-ахлокли бўлишиб, бир-бирларига меҳрибон бўлишиб хатто аввал баъзи бир келишмовчиликлар бўлиб урушиб гаплашмай юрса хам, ўлим сабабидан гаплашиб, нихоятда яхши бир холатларга ўтадилар. Аёллар бошка вактда кандок юрган бўлса хам, ўлим сабабидан яхши, эҳтишомли кийимларини кийиб, бошларига рўмол ўраб, ўзларини жуда бир андиша билан тутиб коладилар. Хатто ўлим бўлган хонадонга келганларида эркакларнинг турганини кўриб, тўхтаб бир четга чикишиб коладилар. Эркаклар эса, кочиб туринглар, аёллар ўтиб олсин деб ўзларини четга олишади. Бу ишларнинг хаммаси ўлим маросимида яккол кўзга кўринади. Хакикатдан, ўлим катта даҳшат. Ким бўлишидан катъий назар бирор ўлгандан кейин, тирик колганлар ана шу ўлимдан сесканадилар. Ўзларининг бошида хам бир кун шу иш бўлишини яккол сезадилар. Бу эса уларни калбларини нурафшон бир нукталарини очиб Аллоҳни эслашга, ўлимни эслашга, Киёматни эслашга ва бошка масъулиятларни эслаб ўзини яхши тутишга олиб келади. Жамиятимизда ана шу холат факат ўлимда бўлганлиги учун шоир муболагага бориб «агар халк ўз холига кайтадиган бўлса ўлим тез-тез бўлиб турсин» деган маънони айтишгача бориб етади. Лекин бу маънони жонидан тўйганидан айтганини, уни буни айтишга жамиятдаги нокулай холатлар мажбур килганлигини айтиб, кейинги сатрларда Аллоҳ таолодан кечирим сўрайди. Бу гапни айтишга уни нима мажбур килганини баён килади. Демак бу ерда шоирни ўз халки билан хамдард бўлиб яшаётганлиги, ўз жамиятидаги камчиликлардан нихоятда куйинаётганлиги ва уларни тўгри йўлга тушиши, хакикий бир холда бўлиши халкнинг ўз аслини билган холда, ўзлигини билган холда, ўз дини диёнатига, эътиқоду шариатига амал килган холда яшашини орзу килиши шуни чин дилдан тилашини рамзи деб биламиз. Бу ўша пайтлардаги ўзини билган хар бир мусулмон инсонни орзуси эди.

Шоиримиз Аъзам Ўктам хам ана шу кишилардан бири әканлигини мана шу баётлардан, шеърлардан билиб оламиз. Юкорида жамиятни ва унинг аъзоларини ўз аслига кайтиши, ўзини ўзи билиши, ўзлигини йўқотмаслигини маҳкам тутиши борасида хатто ўлимда шу нарса тез-тез такрорланиш окибатида агар хар инсонни ўз аслига кайтарадиган бўлса ўлим бўлса бўлсин хар куни деган маънодаги байтларни айтиб ундан кейин Аллох таолодан кечирим сўраган шоиримиз деб айтган эдик. Ана шу кечирим сўрашини ортида нима учун бунчалик шиддатли хукм чикариб ана шундок кўпчиликка маъкул бўлмайдиган ўлимга хам рози бўлаётганигини баёнини ўша вактларда хозирда хам жамиятимизда содир бўлган бир муносабатга боғлайди. У хам бўлса аёл кизларимизни эҳтишомли, шаръий холатда кийиниб ўзларини орастга тутишлари тўгрисидаги муносабат. Албатта аввалда аёл кизларимизда шарму хаё кўтарилиб, бошка оврупа халкларнинг аёл кизларига ўхшаб кийимлари нихоятда уятли равишда бўлиб, шунга ўхшаш бошка холатлар кўча куйларда авж олган эди. Бу албатта мўмин мусулмон инсонларни калбига худди ханжардек санчилар эди. Лекин кайта куриш, ошкоралик, халкларни ўзлигини таниш жараёнида бўлиб ўтган вокеалардан сўнг эл юртлар ўз динига кайтиш вокеалари даврида бизнинг аёл кизларимизни кўплари хам ўзларини ўзликларини билдилар. Кийимларини Исломий килиб кийинишга, ўзимизнинг покиза момоларимиз кийингандай эҳтишомли кийим бўлишига, ўзларини латофатини саклайдиган бир холатга ўтишга, ор-номусни саклайдиган бир холатга ўтишга харакат килдилар. Аёл-кизларимизни яхши бир холатдаги кийимларни кийишга ўтишлари, албатта калбида заррача бўлса хам иймони бор кишиларни нихоятда кувонтирди. Бу хакида шоирларимиз шеърлар хам ёзди. Бунга мисол килиб хассос шоиримиз Сирожиддин Сайиднинг «Ок рўмоллар» шеърини мисол килиб келтиришимиз мумкин. Бу шеър нашр этилганда кўпчилик мусулмонлар нихоятда катта кувонч билан кутиб олиб, ажойиб бир шавк билан ўқиб юрдилар. Шу жумладан, ана шу шеърда кузда тутилган ок рўмолли аёл кизларимиз хам. Элимиз ардогидаги хофиз кўшикчимиз Шерали Жураев хам «Ок ойим» деган бир кўшик айтиб Туркистоннинг иймонли кизларини мадх ётган эдилар ўша пайтда. Мана шу холатни шоир Аъзам Ўктам ўзининг шеърида ажойиб бир холат билан акс эттирган. Аввал айтганимиздек элни ўзига, аслига кайтарадиган нарса ўлим бўлса бўлаверсин деганидан кейин кечирим сўраб куйидагиларни айтади:

Кечир, Тангрим, кил умрим узун,
Бежиз эмас лек шикоятим:
Шундай зўр халк хаттоки бугун
Англамаюр хижоб оятин.
Айтай кўлим кўксимга кўйиб -
Кексалар не килмиш хикматлик.
Кайга кирса, чикса-да доим
«Пўшт!» дер эди бобом рахматлик.
Ўв, кандайин замон ўзи бу,
Чирт юммасанг бўлмагай кўзни.
Кўплар бундан чекмайди кайгу,

Факат хаммол айтар бу сўзни.
Хай, оналар, бунча «ботир»сиз -
Тирик ота колмаганми ё?
Кизлар, каён кетаётисиз -
Ахир кўча уй эмас асло.

Мана бу ва ундан кейинги келадиган байтларда шоир хижоб оятини тушунмаётган улуг халқдан нихоятда ранжийди. Шу билан бирга ота-боболаримиз бу оятни, шариатимизни бу хукмини кандай ажойиб ва гўзал бир суръатда татбик этганларини англашга, уринтиришга харакат килади. Шеърни давомида мана шундай бир эҳтишомга, аёлларнинг кийимиға ўзларини шараф билан тутишига муносаб нарсалардан мисоллар хам келтиради. Бу мисолларнинг ичидаги Кўкон хони Умархон билан Нодирабегим орасида бўлган сухбат ва муносабатни ва бошка холларни хам гапиради. Шу билан бирга жамиятда ана шундай аёл кизларни шарму хаёсиз равишда кийинишлари, одамни яъни ўзини билган мўмин мусулмон кишиларни хижолат килишини айтиб ўтади. Оналарга, оталарга ва кизларнинг ўзларига мурожат килиб бу нарса унчалик яхши эмас эканлигини, балки уни тарк этиб, бу холатда, яъники хижоб маъносида хам шариатимизни кўрсатмасини килиш лозим эканлигини ажойиб бир услуб билан баён этади. Мана шу нарса хам шоирни ўз жамиятида бўлиб ўтаётган ходисалар, ишлар, баъзи бир холатларни канчалик чин дилдан яшашини, уларни нихоятда нотўгри йўлда эканлигини баён килиш йўли билан тўгри йўлга ўтишга харакат килишини кўрсатиб туради. «Тараддуд» китобида бунга ўхшаш ажойиб руҳда ёзилган бир канча шеърлар бор. Унда миллий рух, ўзбекчилик, баъзи бир бошка муаммолар хам нихоятда жиддийлик билан, усталик билан кўтарилиган. Бу китобни ўқиган хар бир китобхон, шеър шайдоси жиддий мулоҳазаларга келиши ва ажойиб бир маънавий озука олиши турган гап. Биз муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўктамни бу савиядаги ажойиб шеърларни ёзганлари билан муборакбод этамиз. У кишига соглик, саломатлик, баҳт, саодат тилаб коламиз. Келажакда бундан хам яхши шеърларни ёзиб халкимизга тақдим этишини, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлишини тарафдори бўлиб дуолар килиб коламиз. Аллоҳ таолодан умид килиб сўраймизки, юртимизда шу кишига ўхшаган ажойиб бир пурмъно шеърларни ёзадиган шоирларни сонини, сифатини ва ижодларини баракасини берсин. Доимо Аллоҳ субханаху ва таоло соглик-саломатлик, тинчлик, баркарорлик, баҳтлик, саодатликни насиб этсин. Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

Аъзам Ўктам - илова

Хижратдан дастлаб кайтганимда, йўл ўтиши муносабати илиа бузилиб кетган Уста Олим кўчасидаги 28 ракамли хонадонимизга баъзи кўнгил якинлар зиёратга келишди. Кўпчилик, хол ахвол сўрашиб, юз кўришиш насиб килганига шукр айтишиб, бирор пиёла чойдан кейин кайтишга изн сўрашар эди. Бир куни уч киши хаммадан холи колишди-да

бирлари: «Хазрат! Бу киши Аъзам Ўқтам бўладилар», деди пастрокда одоб билан чўккалаб ўтирган шеригини кўрсатиб. «Ха. Аъзамжон сизмисиз?! Тинч – омонмисиз? дедим хурсанд бўлиб. Орамизда юкоридаги макола хакида сухбат бошланди. Гап давомида Аъзамжон кулимсираб: «Ўзи сизни излаб кетаётувдик, Аллоҳ етказиб, ўзингиз келиб колдингиз. Ўша маколангиз билан якиндан танишмокчи эдик», деди. «Маколани эшитдингизми, ўзи?» дедим. «Охирини. Лекин хаммасини эшитиш насиб килмади. Бир куни хизмат хонамда ишлаб ўтирсан, катта шоирларимиздан бирлари кириб колдилар. Одатда йўлда салом берсак, алик олармиканлар деб мулохаза килиб юрадиган одамимизни кандай шамол учирди экан деб хайрон колдим. У киши бўлса: «Аъзам! Эшитяпсанми? Муфтий хазрат сенинг шеърларинг хакида ўз фикрларини билдирияптилар, деб ёдлаб олган гапларидан намуналар айтиб бердилар. Мен хаяжонланиб кетдим. Кечкурун радиони кўйиб кутдим. Эшитсан, маколангиз охирлаб колган экан. Ўшандан бери...» деди кулимсираб Аъзамжон. Мен маколанинг тасмага ёзилгани ва у хориждаги уйимизда мавжудлиги айтиб, бир нусха кўчириб беришга ваъда килдим. Кейинчалик, Тошкентда муким турадиган бўлганимда, турли муносабатларда Аъзамжон билан учрашиб юрдик. Якиндан танишдик. У кишини якиндан таниш жараёнида ўзим мактаган шеърлари юзаки эмас чин дилдан чикариб ёзилганига ишончим ортиб бораверди. Аъзамжоннинг эътиқоди, ибодати ва хусни хулки унинг зийнати бўлиб кўринарди кўзимга. Чилонзор тарафдаги танишларнинг бирининг хонадонида уюштирилган сухбатда Аъзамжон хам бор экан. Кўзимга анча синиккан бўлиб кўринди. «Ха, Аъзамжон, кандайсиз? Бир оз сустрок кўринасиз? Соглик тузукми, ўзи?» дедим. «Алхамдуиллах, тузук» деди у одатдагидек, паст овозда. «Хазрат, Аъзамжон бемор бўлиб, бир оз касалхонда ётиб хам чиқдилар. Юраклари безовта килди», дейишди сухбатдошлар. «Хозир хамманинг хам юраги безовта килади. Факат Аъзамжонники бир оз ошириб юборган бўлса керак. Аллоҳ шифо берисин, ўтиб кетар», дедим тасалли бериш максадида. Кейин Аъзамжонни кўргани борган шоирлардан бирининг латифаомуз гапларини айтиб кулишди хам. Шундан кейин Аъзамжон билан кўришганда хам, у киши хакида бошталар билан сўзлашганда хам согликлари хакида алохида тўхталадиган бўлиб колдик. Аср пайтлари эди. Уйда зиёратчиларни кабул килаётган эдим. Худойига таклиф килгани одамлар келганини айтиб колишиди. Суриштирсан, Аъзамжоннинг худойисига, дейишди. «Кайси, Аъзамжоннинг?!» дедим. «Аъзам Ўқтамнинг. Оила аъзолари алохида ўтинч билан илтимос килишди», дедилар. «Нима?! Аъзамжон дунёдан ўттими?! Качон?! Нима учун менга хабар берилмади?!» дедим дарду алам билан ва истиржоъ айтдим. «Билмасак, шошилиб колган бўлсалар керак», дейишди. Хайри эхсон маросимида Аъзамжоннинг якинларига таъзия билдириб, марсия сўzlари ва дуо фотихалар килдик. Кейин, одатдагидек, мархумни мадхи турли савия ва макомларда бўлиб ўтди. Ана ўша жараён асносида, Аъзам Ўқтамнинг асарлари кайта чоп килинаётгани ва унинг мукаддимасига менинг мазкур муносабатим хам кўйилиши режа килинаётгани айтилиб, ундан нусха сўралди. Мен уни Аъзамжоннинг ўзига берганимни айтдим. Уни топа олишмаётгани айтилди. Мен бошка нусха хозир йўклигини эслатиб, узр айтдим. Сафарларимнинг бирида мазкур маколанинг тасмадаги битигининг яна бир нусхасини олиб келдим. Уни когозга туширилди. Турли сабабларга кўра нашр этилмай турди. Энди, Аллоҳ таолонинг ёрдами билан бу нарсани эътиборингизга хавола килмоқдамиз. Буни мухлис мусулмон, хакикий инсон, акийдаси соф шоиримиз Аъзамжон Ўқтамга бўлган хурматимиз рамзи сифатида кабул этгайсиз. Аллоҳ таоло у кишининг жойларини жаннатда килган бўлсин! Аъзамжоннинг ўзлари

«Тараддуд» китобидаги «Ишк хакки» деб номланган шеърларида айтганди:

Ажаб, дил шод бўлар тинглаб
Киёматдан хабарларни.
Тобора шавким ортгайдир
Сезиб келгич хатарларни.
На роҳат, на азоб боис
Сен айтган йўлга кирмишман.
Шу ишк хакки хатарсиз кил
Ўзинг сори сафарларни.

Аллоҳ субханаҳу ва таоло шоиримизнинг ушбу шеърларидағи дуоларини қабул айлаган бўлсин ва Ўзига мухаббат билан ўтган бандаси Аъзамжоннинг Ўзи сори бўлган сафарини бехатар килиб, жаннати Фирдавсдан жой олишларини насиб этсин. Омийн!